Ушбу сонда:
2 ОТАЛАР ДУОСИ - ЭЛ МУДДАОСИ
3 TV - Дастури
4 ҚИШНИНГ БИРИНЧИ КУНИ *Ҳикоя*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 январ, шанба №16 (848)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА БУГУНГИ ЁШЛАР

Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетида «Аждодлар маънавий мероси ва бугунги ёшлар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ёш мутахассис ва олимлар сўзга чиқиб, мустақиллик туфайли мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бергани, халқимиз ўзлигини англаб, миллий қадриятларимиз тиклананганини таъкидладилар. Эндиги асосий вазифалардан бири аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш, ёш авлод онгига сингдиришдан иборат.

Анжуманда Шарқ алломаларининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, ёшларни улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 январ куни Оқсарой қароргоҳида «Кейс-Нью Холланд» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур корпорация Ўзбекистоннинг ишончли шерикларидан бири эканлигини таъкидлади.

- «Кейс-Нью Ҳолланд» қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради, - деди Ислом Каримов учрашувда.- Бизга бундай корпорация билан ҳамкорлик қилиш мамнуният бахш этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ушбу корпорация билан ҳамкорликда тўртта қўшма корхона очилган. «ЎзКейсмаш» корхонасида 1997-1999 йилларда 5ООга яқин «Кейс-2О22» русумли пахта териш машинаси йиғилган бўлса, «ЎзКейстрактор» корхонасидан ўтган йили 2ООдан зиёд «МХ-135» русумли трактор чиқди. «ЎзКейссервис» корхонаси техникавий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида унинг марказлари бор. Корхона зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус автомобиллар ёрдамида кўчма хизмат кўрсатишни ҳам ташкил этган. «ЎзКейсагролизинг» эса ўтган йили 35та шоли ўриш комбайнини импорт қилиб, маҳаллий хўжаликларга лизингга берди.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, турли жабҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритиши ва халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар дипломатларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Яқинда Президент Ислом Каримов Фармонига биноан, Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, бу йўлдаги масъулиятли хизмати ва самарали меҳнати учун қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди. 28 январ куни Оқсарой қароргоҳида Президентимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиларига ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Ислом Каримов бу юксак мукофотлар дипломатларнинг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотлар йўлидан жадал одимлаши ва иқтисодий салоҳияти ошиши учун муайян лойиҳаларни амалга ошириш, миллатлар ўртасида дўстлик ва бир-бирига ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссалари учун тақдим этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти элчилар ўз мамлакати сиёсатининг ижрочилари эканлигини, бу сиёсат эса ўша давлатларнинг манфаатлари ва Ўзбекистонга муносабатини ўзида мужассам этганлигини яхши тушунишини айтди. Лекин сизнинг хизматингиз фақат ўша сиёсатнинг ижро этувчиси эканлигингиз учунгина эмас, балки айни пайтда унинг шакллантирувчиси ҳам бўлганликларингиз учун улкан хизмат саналади. Кўп ўзгаришлар сизнинг кучғайратингизга, шижоату матонатингизга боғлиқ, деди Ислом Каримов.

Президентимиз элчиларнинг оддий инсон сифатида мамлакатимиз ва халқимизга қандай муносабатда бўлаётгани, тарихимиз, маданиятимиз ва одамларимиз менталитетига қай даражада тушуниш ва ҳурмат билан қарашига ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигини ва Ўзбекистон аҳли дипломатларнинг юртимизга ва халқимизга эҳтиромини юксак қадрлашини таъкидлади.

Маросимда сўз олган Франция элчиси Жан-Клод Ришар эндиликда «Дўстлик» ордени уни янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундашини таъкидлади. Унинг асосан ўзбек тилида сўзлагани ва Ўзбекистонга равнақ, Ўзбекистон-Франция муносабатларига ривож тилагани йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бундай юксак мукофот шараф ва ифтихор бағишлашини қайд этган туркиялик дипломат Умур Апайдин мамлакатимиз эришаётган ютуқлар Туркия халқининг ҳам ғурурини оширишини айтди. Туркия Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмаклашишда давом этаверади, деди у.

Миср элчиси Мамдуҳ Шавқий ўз мамлакати халқи ва ҳукумати номидан юксак мукофот учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирар экан, фаолияти давомида икки давлат дипломатлари учун Мисрда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишлаш анча қулай, деган хулосага келганини айтди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимизнинг муштарак жиҳатлари кўплигидандир, деди у. Ўйлайманки, мазкур орден ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Япония ҳамда Жанубий Корея элчилари ва шахсан ўз номидан миннатдорлик билдирган Хитой элчиси Ли Цзинсян, бу мукофот нафақат ўзимизга, балки бизга шарафли ва масъулиятли вазифани юклаб, бу ерга вакил қилиб юборган мамлакатларимизга, халқларимизга ҳам тегишли деб ҳисоблаймиз, деди. У юксак нишон билан мукофотланган ҳамкасбларини қутлар экан, Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтамизки, «Дўстлик»ка муносиб бўламиз ва бундан буён ҳам икки томонлама алоқалар ривожи учун бор куч-ғайратимизни сарфлайверамиз, деди.

(ЎзА).

Касаба уюшма ҳимояга олди

ҲАҚҒУЙЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАШДИ

Яқинда касаба уюшмалари Наманган вилояти кенгашига шундай мазмунда мактуб келди: «Ҳурматли касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Каримжон Раимжонов. Хабарингиз бор, менинг бошимга катта ташвиш тушган, аниқроғи, ўзим ишлаётган институт маъмурияти менга нисбатан адолатсизлик қилган, конкурс баҳонасида мени ишдан бўшатиб юбормоқчи бўлишган эди. Мавжуд қонун талабларига риоя этилмагани, менга нисбатан адолатсизлик қилинганлигидан норози бўлиб аввалига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилганлигимни, аммо вазирлик оқни оққа, қорани қорага ажратиш ўрнига институт маъмурияти буйруғини тасдиқлаш билангина кифояланганлигини, бундан қониқмаганлигимни билдириб меҳнаткашнинг ҳақиқий суянчиғи, кўмакдоши — касаба уюшмаларидан ёрдам сўраган эдим. Шикоятни текшириш мен кутганимдан ҳам зиёд талабчанлик ва одилона олиб борилди. Ниҳоят ҳақиқат тантана қилди. Институтдаги ҳамкасбларим, ўзим таълим-тарбия бераётган талабалар, оилам олдида юзим ёруғ бўлди. Узоқ муддатли сарсон-саргардонликдан сўнг қадрдон жамоам сафига қайтдим. Адолат тантана қилишида кенгаш Бош меҳнат ҳуқуқ нозири Гофиржон Каримов ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Бунинг учун сиз раҳбарлик қилаётган кенгаш маъмуриятига, қонуний ҳуқуқларимни тиклашга бош қўшган барча ходимларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳурмат билан С.Ашуров».

Хўш, Сирожиддин Ашуров ким? У қандай шикоят ҳақида гап юритяпти ва бу ишга етарли эътибор қаратмаган, юзаки муносабатда бўлган вазирликдан нега норози бўляпти? Масалага ойдинлик киритиш учун юқорида тилга олинган вазирликдан С.Ашуров номига юборилган, негадир русча баён этилган жавобни айнан келтирамиз: «Министерство, внимательно изучив направленное Вами заявление о разного рода недостатках в деятельности института, а также неизбрании на новый срок работы по конкурсу Вас и троих ваших коллег и материалы представленние ректоратом, не находит сушественных нарушений в проведении конкурсного переизбрания. Оснований для его отмени нет. Сообшение о недостатках в руководстве вузом принят к сведению. Член коллегии, начальник ГУВО Б.Х.Рахимов».

Энди масала моҳиятини баён қилишга ўтиб қўя қолайлик ва бу ўринда ҳам Сирожиддин Ашуровнинг шикоят хатидан парча келтирамиз: «Менинг бир одатим бор, машғулот олиб бораётган маҳалимда унинг бўлинишига, ҳар қандай шароитда бузилишига йўл қўймайман. Машғулот тугаганидан кейин ҳар қанча меҳнат, топшириқ бўлса, кечаю кундуз, ҳатто дам олиш кунлари бўлса ҳам бажаришга тайёрман. Иккинчи бир «айбим» талаба машғулотларга қатнашсагина, дарсларни ўзлаштиргандагина ижобий баҳолайман. У кимнинг фарзанди, қайси раҳбарга алоқадор ёки қариндошчилиги бор, менинг учун фарқи йўқ. Бунинг учун кўп дакки эшитаман, катталар назаридан қолиб юраман. Шу сабабданми, қилдан қийиқ ахтаришиб мени ишдан бездиришга уринишади, охири бориб-бориб мендан қутилиш учун юқоридаги машмашани ўйлаб топишди».

Домла хатида оддийгина «машмаша» деб аталган нарса аслида унинг ҳаётида кескин ўзгаришлар ясайдиган, узоқ йиллар меҳнат ва машаққатлар билан топилган обрў-эътиборини йўққа чиқарадиган, қанча вақт сарсон-саргардонликка маҳкум этадиган буйруқ эди. Унда эса шундай сатрларни ўқиймиз: «Доцент Ашуров Сирожиддин Солиевич, фалсафа фанлари номзоди, янги муддатга конкурс бўйича ўта олмаганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 6-бандига мувофиқ 1999 йилнинг 26 августидан меҳнат шартномаси тўхтатилсин. Асос: илмий кенгашнинг 30 июн 1999 йилдаги (2) 13 баённомаси».

Буйруқни ўқисангиз гўёки ҳамма нарса қонунийдек. Табиийки, танловдан ўта олмаган киши ишини давом эттириш ҳуқуқига эга эмас. Хўш, у ҳолда домла кимдан ва нима учун норози?

- Танлов чоғида менга нисбатан очиқдан-очиқ адолатсизлик қилинди, сайлов ўтказиш бўйича белгиланган Қонун ва Низом талаблари бузилди, - дейди С.Ашуров мулоқатимиз вақтида. - Мен аниқ билдимки, раҳбарлар қаёққа етакласа қулоқ қоқмасдан ўша тарафга юрмаётганлигим, очиқроғи, ҳақиқатгўйлигим, ҳеч қанақа илтимосларни инобатга олмаслигим учун гўёки «қонуний» кишининг танловдан ўта олмаслигига сиз ҳам дарров ишона қолмайсиз. «Қаранг, уч-тўрт ойдан бери бекорман, деганди ўшанда у. Сенга нисбатан очиқдан-очиқ адолатсизлик қилинаётганлигини кўриб-билиб туриб яшаш қийин бўлар экан», ҳомуш қўшиб қўйганди суҳбатимиз охирида у.

Йўқ, ҳақиқат бор экан, вилоят касаба уюшмалар кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси «машмаша»ни атрофлича, чуқур текшириш лозим деган қарорга келди. Шикоят ҳар тарафлама ўрганиб чиқилганидан сўнг С.Ашуров ҳақ эканлиги равшан бўлди. Шунга мувофиқ институт маъмуриятига тақдимнома киритилди. Унда танловни ўтказишда ва С.Ашуровни ишдан бўшатишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бузилганлиги, бинобарин «Касаба уюшмалари уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга биноан меҳнат ҳақидаги қонунбузарликни бартараф этиш, С.Ашуровни ўз вазифасига тиклаш ва мажбурий бекор юрган даври учун ўртача иш ҳақи миқдорида маош тўлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Лекин институт томонидан касаба уюшмалар кенгаши талабларини рад этилганлиги юзасидан маълумот олинди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 268-моддасида ва юқорида тилга олиб ўтилган Қонуннинг 11-моддасида меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича нозири ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, меҳнат низосини кўриш ҳақида даъво ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ, бу иш иститут ҳудудидаги Давлатобод тумани судига ошириди. Деярли бир ярим ой давом этган ва унда кенгашнинг Бош меҳнат ҳуқуқ нозири Гофиржон Каримов иштирок этган суд мажлиси ниҳоят оқни оққа, қорани қорага ажратди. Суднинг раиси Гулнора Оҳунова шу муддат ичида институт ўқитувчилари ва талабаларидан ўттиздан кўпроқ кишини чақириб уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитди ва шундан кейингина ажрим чиқарди. Чунончи, суд қарорида таъкидланишича, биринчи навбатда танловни ўтказишда Низом талаблари бузилган. Жумладан, «Илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришдан олдин ҳар бир номзодга берилган кафедра хулосасидаги тегишли тавсиялар, мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун эса қўшимча равишда Конкурсгача бўлган даврда номзоднинг малака ошириш натижалари ўқиб эшиттирилиши шарт. Бироқ кенгаш мажлисига 38 нафар ходимнинг масаласи бир йўла киритилгани учун мажлис шошма-шошарлик билан ўтказилган, муҳокама қилинаётган номзод ҳақида тўла маълумотлар берилмаган, тегишли савол-жавоблар қилинмаган. Жумладан Ашуров ҳақида илмий кенгаш аъзоларига тўла маълумот етказилмаганлиги, кафедра хулосаси ўқиб эшиттирилмаганлиги, конкурсгача бўлган даврда Ашуров қаерда малакасини оширганлиги ҳақида маълумот берилмаганлиги оқибатида илмий кенгаш аъзолари С.Ашуров фаолиятини объектив баҳолаш учун имконият бўлмаган. Чунки Ашуров илмий ходим сифатида пухта билимга эга эканлигини, дарсларни юқори савияда ўтказганлигини, ўзига ва талабаларга нисбатан ҳам талабчан эканлигини, машғулотларни қолдирмаслигини, унга нисбатан талабалар томонидан ҳеч эътироз ва шикоят бўлмаганлигини суд мажлисида сўралган кафедра ўқитувчилари ва талабалар бир овоздан тасдиқлашди. Бундан ташқари, С.Ашуров 1995 йилнинг 6 июлида «Фалсафа тарихи» бўйича доцент унвонини олган. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясида махсус курсни тамомлаган. 1998 йилда эса Олий ўқув юртлари кафедра мудирлари аттестацион комиссиясида ўзининг эгаллаб турган вазифасига лойиқ, деб топилган.

Юқоридагиларни эътиборга олган Давлатобод тумани суди ўзининг 1999 йилнинг 25 декабрдаги қарорига кўра Сирожиддин Ашуровни ўз ишига тиклади ва Наманган мухандислик-иқтисодиёт институти илмий кенгашининг қарорини ва уни ишдан бўшатиш юзасидан институт маъмурияти буйруғини бекор қилди ҳамда Ашуровнинг мажбуран ишга чиқмаганлиги вақти учун иш ҳақи ундириб беришни зарур деб топди.

— Тўғри, ишга қайтдим, мажбуран бекор юрган вақтим учун маошларни ҳам олдим, лекин кўнглим нотинч, — дейди С. Ашуров мақола тайёрланиши арафасида учрашиб қолганимизда. — Чамаси, маъмурият нимадандир баҳона топиб мендан ўч олиш пайида юрганга ўхшайди. Яқинда барибир танловдан ўтишлигим шартлигини огоҳлантиришди. Мен-ку ҳалол ва илмий конкурслардан чўчимайман, аммо шуни баҳона қилиб бирон ғалвани чиқаришмасалар, деб ҳавотирдаман.

Домланинг гапларини тинглайману бошим қотади: баъзи раҳбарлар қилган хатоликларини қачон мардларча тан олишга ўрганишар экан? Вазирлик шикоят талабларини чуқурроқ ўрганмасдан туриб институт маъмурияти буйруғини тасдиқлаб қўяқолса, касаба уюшмалари аралашганидан кейингина ҳақиқат юзага чиқса, буни қандай баҳолаш мумкин? Бу ўринда Юртбошимизнинг сўзларини яна бир бор эслаб ўтиш айни муддао: халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ватан тақдири - бизнинг тақдиримиз

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоятларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» маърузасига бағишланган давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ва учрашувлар ўтказмоқда.

Уларда Олий Мажлис депутатлари, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар, пешқадам зиёлилар Юртбошимиз маърузасида белгиланган асосий устувор йўналишлар, дастуриламал вазифалар тўғрисида сўз юритиб, Ватанимиз равнақи ва фаровон келажагимизни биргаликда, умумий саъй-ҳаракатлар билан таъминлашимиз, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашимиз зарурлигини таъкидламоқда. Бугунги кунда Ватан тақдирини ўз тақдири билан уйғун ҳолда кўра оладиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган эркин шахс - баркамол авлодни тарбиялаш, шакллантириш энг муҳим вазифадир.

Давлатимиз раҳбарининг сессияда қилган маърузасига бағишланган бундай давра суҳбатлари, мулоқотлар меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллаларда бўлиб ўтмоқда.

«МАСТЕРДОН» ИШ БОШЛАДИ

Косон туманида «Мастердон» Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона низом жамғармаси 336 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, муассислари - Кипр томонидан «Мастер-Паинт холдинг АН Моногимент ЛТД» компанияси ва Ўзбекистон томонидан «Косондон» очиқ ҳиссадорлик жамияти.

«Мастердон» қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, юридик ва жисмоний шахсларга ғалла ўриш комбайнлари етказиб бериш ҳамда техник хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Халқ меҳру муҳаббати

ОТАЛАР ДУОСИ - ЭЛ МУДРАОСИ

Сиз ҳам бу сўзларни кўп эшитгансиз. Ўзбекнинг қулоғига азондан сўнг кирган, эҳтимолки, худди шу боис ҳар қандай шароитда ва ҳолатда тиллардан қанот боғлаб учадиган энг кирчимол ва айни чоғда, ҳеч қачон оҳори тўкилмайдиган ҳам шу сўзлардир: «Аллоҳ юртимизга тинчлик ва хотиржамликни ато қилсин...»

Лекин шуниси ҳам яхши маълумки, тинчлик ва хотиржамликка ўз-ўзидан эришилмайди. Унга эришмоқликнинг ўзига яраша шартлари ва машаққатлари бор. Фақат Аллоҳ ярлақаган ва Ҳизр назар қилган юртларгина бундай улуғ неъматдан баҳраманддирлар. Беадад шукрлар бўлсинки, биз ўзбекистонликларга Яратганнинг меҳри ўзгача - Йўлбошчи қилиб юборилган қалби дарё, бағри уммон инсон туфайли саодат эшиклари йўлимизда бир-бир очилиб бораётир.

Айниқса, буни дуога очилган қўллар дил изҳорини оқ қоғозга туширган аснода янада чуқурроқ ҳис қиласан киши. Мана, нима деб ёзади Fузор туманида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Ҳайдар Даминов: «Ассалому алайкум, ўзбек халқининг буюк фарзанди! Президентлик лавозимига қайта сайланганингиз билан самимий табриклайман! Биз ҳам бутун оила аъзоларимиз билан ҳурмат ва эътиқодимизни намоён этиб, Сиз муҳтарам зотга овоз бердик. Ахир бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Сиз Қашқадарёда ишлаб юрган пайтларингиздаёқ бизнинг меҳримизни қозонган эдингиз. Қатағонлик тамғасини елкамдан олган ҳам Сизнинг ўзингиз.

Ҳозир пенсиядаман. Кексалигимга қарамасдан, фарзандларим билан туман ҳудудидаги қаровсиз 10 гектар ерни ободонлаштириб, боғроғ яратдим. Илк бор Сизнинг олтмиш ёшингиз рамзи сифатида ўтган йили олтмиш туп дарахт экдим.

Феврал воқеаларидан омон қолганингиздан бошим осмонга етиб, яна минг туп ниҳол экиб, савобли ишларни бошлаб юбордим.

Насиб этса, Сиз қайта Президентлик лавозимига сайланганингиз шарафига яна минг дона дарахт экаман».

Беихтиёр ёдимизга Йўлбошчимизнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган даъвати тушади. Ўтмишидан сабоқ чиқарган, бугунидан рози ва эртасидан умидвор кишиларгина қуруқ чўпга жон ато этишликни ихтиёр этади. Фуқароларнинг юз бераётган ўзгаришларга хайрихоҳлиги ва нафақат хайрихоҳ, фаол иштирокчи бўлиш учун қўлдан кенганча имкон даражасида ҳисса қўшишга иштиёқмандлиги бежиз эмас. Бу эътирофнинг исботи ўлароқ «Фарғона тўқимачилик корхонаси» ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоаси номидан шошилинчнома йўллаган бошқарув раиси А.Тошхўжаев кўпчилик фикрини шундай ифодалайди: «Шахсан Сизнинг амалий ёрдамингиз туфайли қурилаётган «Кабул-Фарғона Ко ЛТД» қўшма корхонасини белгиланган муддатда ишга туширишга, мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти равнақини оширишга салмоқли ҳисса қўшамиз...»

Шарқда ёшларга катталарни ибрат қилиб кўрсатиш орқали тарбиялаш одат тусини олган. Улуғларни эъзозлаб, ҳолидан хабар олиш, ҳурматлаб дастурхон тўридан жой бериш ва уларнинг панд-насиҳатларини жон қулоғи билан тинглаб, дилга жо қилиш - булар ҳаммаси охир-оқибатда миллатнинг шаклланиши ва юртнинг тараққий топишида бемисл аҳамият касб этади. Мана эшитинг-а, тошкентлик Носиржон нималарни ёзади:

«Мактуб йўллашимдан мақсад, Тоҳир бувамларнинг дуоларини Сизга етказишдир. Улар ҳозир 83 ёшга кирдилар. Ўтирсалар ҳам, юрсалар ҳам Сизни дуо қиладилар. Кундан-кун юртимиз обод бўлмоқда, ҳаммаёқ тўкинсочин. Бизга бундан ортиқ яна нима керак. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ, дейдилар.

Ҳурматли ота! Доим соғ бўлинг, чунки Сиз бизга жуда кераксиз. 100 ёшларга кириб юринг. Бувамларнинг дуоларини охири йўқ. Буни қалбдан ҳис қиласиз деган умиддаман».

Дуо, энг эзгу тилак дир. Зеро, бу тилакнинг бир учи дуо қилгувчининг ўзига ҳам тегади. Юртбошимиз шаънига айтилаётган дил сўзлари, ул зотга билдирилган миннатдорчилик ва дуолар охир-оқибатда яна айланиб дуо қилгувчи пок виждонли, имонэътиқодли халқ манфаатига хизмат қилишини кўриб турибмиз. Шу маънода Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидан Хушбоқ Муродов томонидан билдирилган дил сўзлари, ўйлаймизки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди:

«Инсоннинг ватани ва ота-онаси биттадир, - дейилади шошилинчномада. - Лекин юртнинг устуни ҳам ягонадир. У ҳам бўлса Сиз! Сизнинг бошингиз омон бўлса, билингки, мустақил Ўзбекистоннинг 25 миллионли халқи, хусусан, унинг ёш авлоди боши ҳам омондир».

Самарқанд вилояти Нарпай тумани «Ҳақиқат» хўжалигидаги Тўхта Розиқов номли маҳаллада истиқомат қилувчи, «Жасорат» медали соҳиби, уруш ногирони, маҳалла Фахрийлар кенгаши раиси 80 ёшли Раҳмат Каримов эса шундай мактуб йўллабди:

«Яратганга шукрлар бўлсинки, яна ўзингиз бизга Юртбоши бўлдингиз. Халқимиз масжидларда, жойномоз устида, йиғинларда қўл очиб Сизни дуо қилмоқда. «Буюк аждодларимизнинг руҳлари қўлласин, Яратган эгамнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин. У киши олиб бораётган ишларга ривож, ўзларига сиҳат-саломатлик бергил...»

Хива шаҳар «Полвон Божимон» номли уруш ва меҳнат фахрийлари корхонаси бошлиғи, иккинчи гуруҳ ногирони Пир ота Полвонов томонидан йўлланган мактуб ҳам шу маънода:

«Агарда Худойим мендан сенга яна нима керак, деб сўраса, мен албатта, Ислом ака, Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр ҳамда Ўзбекистонимизни тўққизинчи беҳиштга айлантиришингизда каттадан-катта мададлар тилаган бўлур эдим».

Оталар дуоси - эл муддаоси. Бежизга бундай дейишмайди. Яна шуниси ҳам борки, халқимиз азалдан бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қилиб келади, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Биз бугун Fарбу Шарқда гуруллаб ривожланаётган мамлакатларга ҳавасланиб боқиш билан бир қаторда ён-атрофимизда юз бераётган бош-бошдоқлик, яна халқларни бидъат ва хурофот ботқоғига тортишга зўр бериб уринаётган ва бу йўлда ҳеч қандай пасткашлик ва қабиҳликдан қайтмаётган манфур кимсалардан огоҳ бўлишимиз лозимлигини жуда яхши ҳис қилиб турибмиз. Бунда ҳам Йўлбошчимиз ибрат эканлигидан кучимизга-куч қўшилмоқда.

Энг муҳими, одамлар ўз Йўлбошчиларига ишонмоқдалар, ортидан эргашмоқдалар. Мухтасар қилиб мақоламизни юзлаб-минглаб шошилинчнома-ю, мактубларни мужассам ифода этган ушбу дил сўзлари билан якунламоқчимиз:

«Биз бир гуруҳ олтинсойликлар - юз ёш билан юзлашган отахонлар ва онахонлар Сизни Президентлик лавозимига қайта сайланганингиз билан қутлаб, шу кунларга етказгани учун Парвардигоримизга ҳамду санолар айтамиз ва юртимизнинг порлоқ келажакка эришиши, болаларимизнинг тинч, фаровон ҳаёт кечиришлари йўлида Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Ҳамиша омон бўлинг».

Зайниддин РИХСИЕВ.

ФЕРМЕР МУЛКДОРЛАР СИНФИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ВАКИЛИ

Ўн йил муқаддам фалончи фермер бўлибди, банкда ўз шахсий ҳисобини очибди, фалон миллион сўм пули ҳам бор экан, дейишса, турган гапки, бунга ҳеч ким ишонмасди. Ахир, ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун мазмунидаги баландпарвоз шиорлар қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам амал қиларди-да!

Мустақиллик боис деҳқон қалбида армон бўлган орзулар ушалди, ерга, мулкка эга бўлди. Бугун қайси туманда бўлманг, юзлаб фермерлар, мулк эгаларини кўрасиз. Президентимиз ташаббуслари билан агросаноат мажмуида ишбилармонлик қилишга мойиллиги бўлган кишиларга кенг имкониятлар яратиб берилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган.

Бўка туманидаги «Жамбул» жамоа хўжалиги тасарруфида ташкил топган «Ёш куч» фермер хўжалигининг соҳада иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ишбилармонлик ва ташкилотчилик қарор топгач, дастлабки йилдаёқ қишлоқ хўжалиги экинлари — пахта, ғалла ва ҳоказолардан кўзланганидан ҳам зиёд маҳсулот етиштиришга эришилди. Чунончи, якунланган йилда ҳам илғор технологиялар асосида фаолият кўрсатган жамоа 25 гектарда пахта, 5 гектарда картошка, 2 гектарда полиз экинлари етиштириб, кам бўлмадилар. Иқтисодий ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда, сарф-харажатлардан ташқари бир миллион сўм соф даромад олишга эришилди.

Албатта, гап қандай ишлаб, қанча даромад олгандан ташқари, пешона тери билан ишлаб топилган маблағни қаерда ва қандай сарфлаш ҳам бош масалалардан бири. Фермер хўжалиги аъзолари иқтисодий тежамкорликнинг ҳам ҳадисини олишган. Биринчи галда ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ишчиларни моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беришаяпти. Одамларга иш ҳақидан ташқари, пул мукофотлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари текингa улашилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — ишчилар шуурида янгича ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ишлаб топилган ҳар бир сўмни ҳуда-беҳуда сарфламасликка эришиш.

Икки йилдирки фермер хўжалиги А.Навоий номли ўрта мактабни оталиққа олган. Илм даргоҳини таъмирлаш ишларида, икки нафар аълочи ўқувчиларга ҳар ойда стипендия ажратишда баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Шу кунларда фермер хўжалиги амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқ. Далалар тўлиқ шудгордан чиқарилиб, ўғитланмоқда. Ариқ-зовурлар тартибга келтирилган. Шулар қаторида ишчиларнинг маданий дам олишларини ҳам унутиб қўйишмаяпти. Ҳар шанба ва якшанба кунлари хўжалик касаба уюшмаси режасига кўра, Тошкент ва вилоятдаги тарихий обидаларни томоша қилиб келиш учун бепул саёҳатлар уюштирилаётир.

— Мулк шакли янгича усулда қарор топгач, ишчиларимизнинг ҳам ишлаб чиқаришга муносабатлари ўзгарди. Айни пайтда жамоамиздаги 15 нафар ишчининг ҳар бири ташаббускор, ишбилармон. Бугун қўл ураётган ишининг самараси эртага қандай бўлишини яхши билади, ҳисоб-китоб қилиб, чамалайди.

Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Хўжақулов шундай дейди қувониб:

— Асрий орзулар ушалди, ер ўзимизники, нима экишимиз, қанча ҳосил топширишни ўзимиз ҳал этамиз. Бу эса ҳар бир масалага онгли равишда ёндошишни тақозо этади.

Ҳусанбой АВВАЛОВ.

ЮРТ КОРИГА ЯРАЙЛИК

(Жамоатчи мухбиримиз телефон орқали хабар қилади)

Ўтган хўжалик йилида Оққўрғон тумани деҳқонлари яхши кўрсаткичга эришдилар. Бунда туман фермерларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Туманда мулкдорлар сафи тобора ортиб бормоқда. Айни пайтга келиб улар 377 тага етди. Пахта ва буғдойдан олинган ҳосилдорлик жамоа хўжаликларидан анча юқори.

Бугун бўлиб ўтган туман фермерлари анжуманида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўлга киритилаётган муваффақиятларда жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидлаб ўтилди. Негаки, шартнома икки томонлама бажарилса, кўзланган натижа қўлга киритилади. Фермер хўжалиги аъзоларининг эса моддий манфаатдорлиги ортиб, яшаш тарзи яхшиланади. Бу борада касаба уюшма қўмиталари раислари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган.

Оққўрғонлик фермерлар жорий йилда 2218 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта, 1208 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан сара дон йиғиштириб олишга келишиб олдилар.

Абдулла МАЪДИЕВ.

«Яккабоғшаробконсерва» очиқ ҳиссадорлик жамияти ўтган йили «Мевасабзавотузумсаноат» вилоят бирлашмаси корхоналари орасида маҳсулот

Сифат ва самара

сифати ва ишлаб чиқариш ҳажми бўйича яхши натижаларга эришди. Жамиятда маҳсулот тайёрлаш режаси аввалги йилга нисбатан 133,8 фоиз бажарилди. Истеъмолчиларга 4550 минг шартли банка консерва ва 55 минг деколитр вино жўнатилди.

А.Тайпатов, ЎзА мухбири

«Қашқадарётелеком»нинг Косон тумани бўлимида 60 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар одамларнинг узоғини яқин қилишда фидойилик кўрсатиб келишаяпти.

Замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган мазкур корхона жамоаси ўтган йилни ютуқлар билан якунлади. Мижозларга режадаги 25 миллион 600 минг сўм ўрнига 26 миллион 300 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Суратда: тажрибали оператор Маҳбуба Муродиллаевани кўриб турибсиз. У масъулиятни аъло даражада ҳис этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаяпти.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Республика Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони халқ манфаатлари ва саломатлигини муҳофаза қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўш, бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар талабга қай даражада жавоб беради.

Аввало шуни айтиш лозимки, Фармон ва Қонунлар қабул қилингач, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг таркибидаги тегишли ташкилотлар йўриқнома ва тадбирлар ишлаб чиқдилар. Жойларда шу долзарб мавзуга бағишланган семинар-кенгашлар, давра суҳбатлари ва бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди.

«Соғ танда — соғлом ақл», «Тозалик — соғлиқнинг гарови» каби шиорлар онгу шууримизга чуқур сингган бўлса-да, бу борада айрим жойларда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим озиқ-овқат дўконлари, ошхона ва бозорларда халқ истеъмол моллари мавжуд санитария-гигиена қоидаларига зид равишда сотилаётир. Эътиборингизни мисолларга қаратайлик. Шаҳримиздаги Шайхонтоҳур тумани энг гавжум гўшалардан бири. Туман шаҳарнинг қоқ марказида жойлашганлиги учун ўтган ҳам, кетган ҳам, аввал унинг чиройига боқса, сўнг савдо расталарию, бозорларини кўради, ўзига керакли нарсаларни харид қилади. Афсуски, эл эътиборига тушган масканнинг аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларидан, хусусан, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаларидан ҳамманинг ҳам кўнгли шод бўлиб кетмаяпти. Акс ҳолда, ўтган йил якуни мана бундай хулоса топмаган бўларди.

Қўлимизда туман санитария-эпидемиология станциясининг маълумотномаси. Йил сарҳисоби бўйича станция мутахассислари, туман прокуратураси, ички ишлар, солиқ инспекцияси ҳамкорлигида жами 2158 маротаба текширув ўтказилган. Натижалар эса қуйидагича: Санитария-гигиена қоидалари ва эпидемияга қарши кураш тадбирларини амалга оширилмаган, масъулиятсизликка йўл қўйилган 1085 нафар мансабдор ва жавобгар шахсларга 3.158160 сўмлик жарима солиниб, санитария ҳолати қониқарсиз бўлган 255 та корхонанинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилган, 481 нафар тиббий кўрикдан ўтмаган шахслар ишдан четлаштирилган. 54 нафар жавобгар шахслар эса прокуратура томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун талабини бажариш борасида 1504 та корхона ва муассаса устидан назорат ўрнатилиб, 465 нафар жавобгар ва мансабдор шахсларга 1.084020 сўмлик жарима солинган, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол муддати ўтган, сақланиш қоидалари бузилган, истеъмолга яроқсиз бўлган 23000 килограмм неъмат савдодан олиниб бракераж (йўқ) қилинган.

Тартиббузарликка йўл қўйганлар аниқланиб, жарима солинганлиги ва жавобгарликка тортилганлиги маъқул. Лекин айрим ҳолларда фақат санитария-эпидемиология станцияси мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари камлик қилиб қолаётгани, жамоатчилик бу ишга кутилган даражада ўз ҳиссасини қўшмаётгани сезиляпти. Бир мисол.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан оғриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпидемиясининг республика ҳудудига тарқалиши эҳтимоли муносабати билан» қабул қилган фармойишида тиббиёт муассасалари, транспорт, савдо объектлари ва мактабгача болалар муассасаларида дока ниқоблар тақиб юрилиши алоҳида бандда қайд этилган. Туманда бу долзарб иш юзасидан бирмунча қилинганлиги қўшма рейд жараёнида маълум бўлди.

Навоий кўчасида жойлашган «Носир» савдо дўконидамиз. Корхона аҳолига гўшт-сут ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган. Сотувчиларнинг барчаси тартибга риоя қилган ҳолда иш юритмоқда, сотилаётган маҳсулотлар сифатлилиги, расталар орасталиги билан киши диққатини тортади. Шунингдек, «Тутзор» иссиқ нон масъулияти чекланган жамиятда ҳам бу соҳада олиб борилаётган ишлардан кўнгил таскин топди.

Истиқлол берган имкониятлар боис, шаҳримиз кун сайин чирой очмоқда. Қайси кўчага, ёхуд маҳаллага кирманг, ободончилик ишларининг устидан чиқасиз. Ҳозир қад ростлаган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган муассасаларни кўриб, қойил қоласан киши. Генерал Узоқов кўчасида жойлашган «Ўзбекистон» савдо тармоғи ҳам шулар жумласидан.

ГИФ фирмасига қарашли ана шу савдо тармоғида ўн нафар киши ишлайди. Озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари замонавий типда қурилган гўшт-сут дўкони ҳам аҳолига яхши хизмат қилиб турибди. Лекин ишчилар гриппга қарши махсус дока ниқоблар билан таъминланмаган, туман СЭСи томонидан ташкил этилган огоҳлантирувчи (гриппга қарши) махсус плакатлар тегишли жойларга қўйилмаган.

Тозалик ва соғлиқни муҳофаза қилиш борасидаги аҳвол ҳамма жойда талаб даражасида эмас. Лекин масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз вақтида чора-тадбирларни қўллаётганлар ҳам оз эмас. Масалан, Фикрат Норхўжаев бошчилик қилаётган «Самарқанд» автошоҳбекатида тозаликка риоя этиш кундалик одатга айланган. Бу ерда меҳнат қилаётган жамоанинг барчаси махсус ниқоблар билан таъминланган. 320 тадан ортиқ автобуслар тиббиёт ходимлари томонидан махсус кўрикдан ўтказилган. Шу боис йўловчилар хурсанд.

Ютуқларни мустаҳкамлаб, камчиликларга қарши муросасиз курашилмоқда. Яккасарой тумани СЭС бошлиғи Баҳодир Тожихоновнинг таъкидлашича, сўнгги ойларда ўзи хон, қўланкаси майдон бўлган умумий овқатланиш тармоғи раҳбарларидан 139 нафари қонунни била туриб бузганлиги учун улар устидан иш қўзғатилган. Ёки 115 нафарининг ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилиб, 79 нафари ишдан четлатилган.

Кўриниб турибдики, жарима ва бошқа чоралар билан иш битмаяпти. Чамаси муҳим ишга маҳалла қўмиталари, жамоатчилик, касаба уюшмаларини ҳам кенг жалб этиш лозим.

Зеро, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг таркибидаги ташкилотлар ' СЭСлар олиб бораётган тадбирлар кифоя қилганида эди, рейд жараёнида Яккасаройдаги «Бўшлиқ» массивида жойлашган айрим хусусий корхона ва умумий овқатланиш муассасаларида кўр-кўрона қонунга зид иш қилинмасди.

Бектемир туманида қонун устуворлигини таъминлаш хусусида икки оғиз гап. Маълумки, туман шаҳар таркибига қўшилган кенжа ҳудудлардан бири. Шунга қарамай, бу ерга келиб-кетувчилар шаҳарнинг бошқа ҳудудларига нисбатан сероб. Боиси, арзон бозор ҳам, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўтарасавдо бозори ҳам шу ерда жойлашган. Бу эса тартиб-интизомга, тозаликка мунтазам равишда эътибор қаратишни тақозо этади.

Шу нарсага иқрор бўлдик: юқоридаги каби камчиликлар шу боис такрорланаяптики, СЭС мутахассислари ва бозорлар маъмуриятларига баъзи мутасадди ташкилотлар тузукроқ ёрдам беришмаяпти. Ўзаро манфаатли шартномаларнинг бандлари бажарилмасдан қолмоқда. Шу боис ён-атрофда тартибсизлик, лой, чиқиндилар кишиларга турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Инсон учун энг кераклиси саломатлик. Зеро, саломатлик, тинчлик-хотиржамликдан ортиқ бойлик йўқдир. Эл саломатлиги эса уларга етказиб берилаётган истеъмол неъматларининг сифатлилиги ва софлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўйлаймизки, мутасаддилар ушбу мақолада қайд этилган камчиликлардан тўлиқ хулосалар чиқариб, уларни қисқа муддатда бартараф этишга қаратилган аниқ тадбирларни белгилайдилар. Ўта муҳим ишга таъкидланганидек, кенг жамоатчилик, касаба уюшмаларини жалб этадилар. Зеро, истеъмолчи манфаати муқаддасдир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбирлари.

TV дастури

31 январ - 6 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 31

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
*
8.40 "Ватан мадҳи". Мусиқий дастур.
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 10.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 "Навоийхонлик"
10.15 "Ҳа, Ҳа, Ҳа..." Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
10.45 Кундузги сеанс: "Қадимги шўхликлар". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.40 "Шоҳруҳ" клуби.
13.10 "Баркамол авлод орзуси".
13.35 "Оламга саёҳат".
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
15.20 "Тиббиёт янгиликлари".
15.30 "Маҳалламиз болалари". Телемусобақа.
16.15 "Зилол". Мусиқий дастур.
16.40 "Келажак уфқлари".
17.00 "Газалхон ёшлигим".
17.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бахт гуллари". Видеофильм. 1-серия.
18.10 "ТВ-патруль".
18.20 "Ранглар жилоси".
18.30 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Иқтисод ва биз".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Назм ва наво". Ҳабибий лирикаси.
22.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм премьераси. 1-серия.
22.45 "Маънавият" дастури.
23.35 "Ахборот".
00.05 "Аёллар тангоси". Бадиий фильм
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр" ҳафта ичида.
9.40 "Ёшлар" телеканалида.
9.45 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Янги авлод" почтаси, мультфильм)
10.20 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".
10.35 "Мусиқий лаҳзалар".
10.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.05 "Олтин мерос".
12.20 "Ёшлар" телеканали намойиш этади: "Спорт-2000".
13.20 Баҳодир Йўлдошев театри: Уйғун. "Зебуннисо"
14.55-15.50 "Ёшлар" телеканали намойиш этади: "Спорт-2000"
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Дунё ва болалар", мультфильм)
18.40 "Ёшлик баёзи".
18.45 "Очун".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Дастхат".
20.00 "Мусиқий лаҳзалар".
20.05, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.10 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. ("Ўзбектелефильм"). 5-қисм.
20.50 "Жараён".
21.05 "Олтин мерос".
21.10 "Бир пиёла чой устида".
21.30 "Қишлоқдаги тенгдошим".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол (давоми)
1.00 "Шарқ эстрадаси".
1.15 "Тонг юлдузи".

3
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Сен ҳақингда ва сен учун".
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Халқ саломатлиги йўлида".
21.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
22.15 "Спорт-тайм".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Эркак ва аёл".
00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бу ажиб дунё".
18.15 "Қушдек енгил бўлинг". М.Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.45 "Вақт хазинасидан".
19.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
19.10 "Дил изҳори"
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.40 "Махфий ҳужжатлар". Сериал.
23.20 Клип-антракт.
23.30 "Вести".
24.00 "Мюзик-холл".
00.20 "Ахборот".
1.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

СЕШАНБА, 1

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.15 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Навоийхонлик".
10.15 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 "Қушиғим, жон қушиғим".
10.55 Кундузги сеанс: "Дерсу Узала". Бадиий фильм.1-серия.
12.05 "ТВ-патруль".
12.15 "Юрт ўғлонлари". Спорт дастури.
12.30 "Маънавият" дастури.
13.20 "Яхши кайфият". Мусиқий дастур.
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 "Дерсу Узала". Бадиий фильм. 2-серия.
15.20 "Қишлоқ ҳаёти".
15.45 "Рақслар гулдастаси".
16.15 "Меҳр қолур".
16.35 "Ана холос". Мультфильм.
16.45 "Бешбармоқ". Тележурнал.
17.05 "Устоз". Ш.Ҳўжаев.
17.25 Ватан тимсоллари.
17.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бахт гуллари". Видеофильм. 2-серия.
18.10 Болалар учун. "Жажжи гўзал".
18.30 "Шеър ва шуур".
18.40 "Фермер". Тележурнал.
19.00 "Куйла, ёшлигим".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Зиё".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
21.50 "Сиҳат-саломатлик".
22.10 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм премьераси. 2-серия.
22.50 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда — Фарғона вилояти.
23.25 "Ахборот".
23.55 "Икки соҳил". Бадиий фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Дунё ва болалар", мультфильм)
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Кинотақдим".
10.20 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.40 "Мусиқий дастур".
11.55 "Очун".
12.10 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 5-қисм.
12.45 "Хаёл".
13.05 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
13.35-14.50 "Жаҳон эстрадаси".
***
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 "Везувий қўланкаси". Маърифий дастур.
18.40 "Таянч".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Биринчи мўъжиза".
19.55 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
20.05, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.10 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. ("Ўзбектелефильм"). 6-қисм.
20.50 "Иқтидорли ёшлар мамлакатида".
21.05 Валижон Қодиров куйлайди.
21.25 "Ёшлар овози".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Теннис".
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Теннис" (давоми)
00.30 "Янги тонг".

3
7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм.
9.55 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
10.25 "Спорт-тайм".
10.40-12.15 Кинонигоҳ. "Эркак ва аёл".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Ёрилтош". Мультфильм.
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм.
20.15 "Марғилон". Манзарали фильм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам".
21.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
22.15 "Спорт оламида".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Зулматдаги зарбалар".
00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бинафша".
18.15 Е.Петросяннинг "Қулги кечаси".
18.45 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.55 "Сени излайман".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22:30 "Вести".
23.00 "ТВ-4" да Немис тўлқини.
23.15 Кинематограф: Коломбо: "Тонг отганда". Бадиий фильм.
00.45 "Ахборот" (рус тилида)
1.10 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЧОРШАНБА, 2

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Шарқ тароналари". Австрия - Туркия.
9.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Навоийхонлик".
10.15 "Болалигим — пошшолигим".
10.35 Кундузги сеанс: "24-25" қайтмаяпти". Бадиий фильм.
12.05 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
12.40 "Юртим жамоли". Публицистик кўрсатув.
13.00 "Олимпиадачилар орамизда". Спорт дастури.
13.15 "Қувноқлар ва зукколар..."
14.10 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
14.40 "Доктор Жекил ва мистер Ҳайднинг ғаройиб саргузаштлари". Бадиий фильм.
16.05 "Камолот сари".
16.25 "Жаҳон спорти".
16.40 "Жавоҳирлар хазинаси".
17.05 "Кодекс".
17.25 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бахт гуллари". Видеофильм. 3-серия.
18.10 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
18.30 "Иқтисод ва биз".
18.40 "Оила — соғлом авлод бешиги".
19.00 "Эл тинчлиги йўлида".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таълим-тарбия миллий дастури амалда".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тараққиёт йўли".
21.25 "Муножот" ансамблининг концерти.
22.10 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм премьераси. 3-серия.
22.50 "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра".
23.10 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Сувга жило берайтганлар". Премьера.
23.30 "Ахборот".
24.00 "Ў лдиришни хоҳламаганди". Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 7-қисм)
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "2000-йилдан сўнг". Телесериал. 8-қисм.
10.20 "Мусиқий лаҳзалар".
10.25 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.45 "Илк қадамлар". 1-қисм
12.00 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
12.10 "Спектаклдан сўнг".
12.30 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 6-қисм.
13.05 "Садо-99" саҳифаларидан.
13.20 Болалар учун фильм: "Катта бўлишни хоҳламайман".
14.35-14.50 "Шарқ эстрадаси".
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Мусиқа олами", мультфильм)
18.40 "Семурғ". Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Рақслар қанотида".
20.00 "Спорт-лото".
20.10 "Лаззат".
20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Далил ва шарҳ".
20.45 Танишинг: Мирабзал Ҳусанов.
21.00 "Ракурс".
21.20 "Мусиқий лаҳзалар".
21.25 "Эркин фикр".
21.45 "Дил рози". Мусиқий дастур.
21.55 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол (давоми)
1.00 "Хит-коллекция".
1.20 "Хайрли тун".

3
7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 Чўлпон. "Кеча ва Кундуз". Видеофильм. 2-қисм.
9.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
10.15 "Спорт оламида".
10.30-12.05 Кинонигоҳ. "Зулматдаги зарбалар".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Ёрилтош". Мультфильм.
18.20 "Осойишталик посбонлари".
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
21.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
22.15 "Бурч ва масъулият".
22.45 "Хайрли оқшом".
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. "Оқ қасирға".
1.10 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 Туркия телевидениеси
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Спорт-клуб".
18.15 "Маски-шоу".
18.45 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.55 "Инсон ва қонун".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Дурдаршан".
23.20 Кинематограф: "Уйланишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
00.35 "Ахборот" (рус тилида)
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПАЙШАНБА, 3

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Опера саҳифаларидан". Мусиқий дастур.
9.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм. 3-серия.
10.00,12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 "Навоийхонлик".
10.15 "Мен туғилган тупроқ".
10.35 Кундузги сеанс: "Қимматбаҳо бола". Бадиий фильм.
11.45 "Саломат бўлинг!" Спорт дастури.
12.05 "Шоирлар — болаларга".
12.35 "Сайқал".
12.55 "Оиламиз оҳанглари". Мусиқий дастур.
13.15 "Ажаб саодат эрур..." Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.35 "Инсон ва замин". Тележурнал.
14.10 "Тошкентга саёҳат". Фарғона вилоят театрининг спектакли.
15.50 "Орзулар қанотида".
16.10 "Ишқнома". Адабий кўрсатув.
16.30 "У замонлар ўтиб кетди". Бадиий фильм.
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. "Фарзанд — умид юлдузи".
18.25 "Дастурхон нонга тўлсин".
18.40 "Ҳамкорлик ришталари".
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 "Юзма-юз".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Акс-садо".
21.40 "Сиз соғинган оҳанглар". Мусиқий дастур.
22.10 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм премьераси. 4-серия.
22.50 "Сомон йўли".
23.20 "Ахборот".
23.50 "Эмма". Бадиий фильм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Мусиқа олами", мультфильм)
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Тил ва дил".
10.25 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.45 "Дил рози". Мусиқий дастур.
11.55 "Илк қадамлар". 2-қисм.
12.15 Ҳужжатли фильм.
12.45 "Бобур". Видеофильм.
13.35 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
15.05-15.25 "Хит-коллекция".
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Серенгети солномаси". Маърифий дастур.
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Мезон".
19.55 "Олтин мерос".
20.05 "Бегойим".
20.30, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. ("Ўзбектелефильм"). 7-қисм.
21.15 "Мусиқий лаҳзалар".
21.20 "Баҳс".
21.40 Абдулҳай Каримов куйлайди.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол (давоми)
1.00 "Спорт-қитъаси".
1.30 "Хайрли тун".

3
7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
9.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
10.20 "Осойишталик посбонлари".
10.30-12.05 Кинонигоҳ. "Оқ қасирға".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. Ёш киночилар тўгарагида.
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 4-қисм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тошкент ва тошкентликлар".
21.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
22.15 "Ханда дўкони".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Сирлар".
00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Дутор наволари".
18.15 "Каламбур". Юмористик журнали.
18.45 "Уорлднет" янгиликлари.
18.55 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.20 "Дипкурьер".
19.40 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Кино сайёраси".
23.15 Кинематограф. Шон Коннери "Қоя" фильмида.
1.00 "Ахборот" (рус тилида)
1.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЖУМА, 4

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Эстрада тароналари".
9.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм. 4-серия
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Навоийхонлик".
10.15 Немис тили.
10.45 Кундузги сеанс: "Жейн хоним". Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 "Юксалиш". Видеоканал.
12.45 "Сени Ватан кутади".
Спорт дастури:
13.10 Волейбол. Олий лига жамоалари ўртасида VIII мамлакат чемпионати.
13.40 "Кураш — менинг ифтихорим".
14.10 "Жейн хоним". Бадиий фильм. 2-серия.
15.10 "Сомон йўли".
15.40 "Қалбимиз ардоғида". Мусиқий дастур.
16.10 "Ёшликми ёки бебошлик?"
16.30 "Ўхшаш чеҳралар".
17.15 "Машриқ оҳанглари".
17.40 "Сиҳат-саломатлик".
18.10 Болалар учун. "Ҳикматлар хазинаси".
18.30 "Иқтисод ва биз".
18.40 "Дунё адабиёти".
19.05 "Ишончли ҳамкор". Банклараро телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 23.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Рақибингиз —гросс-мейстер".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.35 Теннис бўйича "Дэвис кубоги". Хитой—Ўзбекистон.
23.10 "Ахборот".
23.40 "Ижодий учрашувлар".
00.15 "Ишқ сари". Бадиий фильм.
1.40-1.45 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 8-қисм)
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "2000 йилдан сўнг". Телесериал. 9-қисм.
10.20 "Мусиқий лаҳзалар".
10.25 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
13.15 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 13-қисм.
13.50 "Мусиқий лаҳзалар".
14.00 "Уруш ва тинчлик". Бадиий фильм. 2-қисм. "Наташа Растова".
15.35-15.50 Шу куннинг мавзуси".
***
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Соғлом авлод", "У ким? Бу нима?")
18.40 "Ёшлар ва маънавият".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Саломат бўлинг". Ўсмирлик даври муаммолари.
20.00 "Олтин мерос".
20.05 "Аср қиёфаси".
20.25, 21.05, 23.35 Эълонлар.
20.30 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. ("Ўзбектелефильм"). 8-қисм.
21.10 "Истиқлол қайтарган номлар". Улар Германияда ўқиган эдилар. 2-кўрсатув.
21.40 "Автосалтанат".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Ринг қироллари".
23.40 Синема: "Бэтмен".
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 Синема: "Бэтмен" (давоми)
1.30 "Жаҳон эстрадаси".
1.45 "Мунаввар тонг истаб".

3
7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 4-қисм.
9.55 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
10.25 "Онагинам".
10.40-12.10 Кинонигоҳ. "Сирлар".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Ёрилтош". Мультфильм.
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 5-қисм.
20.15 Мусиқий танаффус.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Саодат калити".
21.45 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
22.15 "Яна бир учрашув".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Коинотдан келган меҳмон".
00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16:15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Б.С.Н." янгиликлари.
18.15 "Жентельмен-шоу".
***
18.45 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.10 "СНН-шоу".
19.35 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
19.45 "Муъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли, тун кичкинтойлар!"
21.00" Время".
***
21.55 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Сизнинг адвокатингиз".
23.15 Кинематограф: Сильвестр Сталлоне "Мушт" фильмида.
1.10"Ахборот" (рус тилида)
1.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ШАНБА, 5

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Ҳидоят сари".
9.35 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Силсила". Видеофильм. 5-серия.
10.20 "Навоийхонлик".
10.30 "Зийнат".
"Умид" намойиш этади:
10.50 "Мен билган, билмаган дунё".
11.10 "Шу Ватанга бордур менинг керагим".
"Спорт" дастури:
11.30 Волейбол. Олий лига жамоалари ўртасида VIII мамлакат чемпионати.
12.00 "Ўзбек спортининг нуфузи".
12.15 "Акс-садо".
12.50 "Озод юрт одамлари". Публицистик кўрсатув.
13.10 Болалар учун. "Қувноқ шаҳарча".
13.50 Телевизион миниатюралар театри.
14.25 "Дўстлик" видеоканали: 1. Мехрангиз. 2. Жетиген.
14.45 Кундузги сеанс: "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак". Бадиий фильм.
16.00 "Бўстон". Тележурнал.
16.30 "Ўйла, изла, топ!" Телемусобақа.
17.15 "Қўшиққа кўчган сатрлар". М.Туркой.
17.45 "Ифтихор".
18.05 "Миттивойлар оиласи". Кинокўрсатув.
18.25 "Зулфияхоним қизлари".
18.45 "Нуқтаи назар".
19.05"Севги сурури". Мусиқий дастур.
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Балли, раислар". Телемусобақа.
21.50 "Ойдиндир санъатнинг йўллари". Н.Ҳамроқулов.
22.20 "Унутмас мени Ватан". Публицистик кўрсатув.
"Спорт" дастури:
22.50 Теннис бўйича "Дэвис кубоги". Хитой—Ўзбекистон.
23.20 Таэквандо бўйича халқаро турнир.
23.35 "Ахборот".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
00.05 "Мусиқий саёҳат".
00.25 "Ошиқи беқарорлар". Бадиий фильм. 1-серия.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Соғлом авлод", "У ким? Бу нима?")
10.05 "Мусиқий лаҳзалар".
10.15 "Везувий қўланкаси". Маърифий дастур.
11.05 "Ракурс".
11.25 "Мусиқий лаҳзалар".
11.35 "Рамаяна". Телесериал. (Сўнгги қисм)
12.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Ринг қироллари".
13.10 "Олтин мерос".
13.25 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 8-қисм.
14.00 "ТВ-саёҳат".
14.20 "Автосалтанат".
14.35 "Эски альбомдан".
14.40 "Сир".
14.55 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: теннис.
15.55 "Мусиқий глобус".
16.15 "Ёш Индиана Жонс ҳаётидан". Телесериал.
17.00 "Бегойим".
17.25 "Мусиқий лаҳзалар".
***
17.35 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Катта танаффус" "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьераси. 9-қисм)
18.45 "Ёшлар куйлаганда".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Дилбарим".
20.00 "Матбуот".
20.10, 21.00, 22.55 Эълонлар.
20.15 "Ёшлар" телеканали намойиш этади: "Федерал полицияси". Телесериал.
21.05 "Баҳс, мунозара, таҳлил".
21.25 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
21.35 "Кутилмаган меҳмон".
21.55 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
22.35 "Мусиқа теграсида".
23.00 Синема. "Какку уяси"
1.00 "Хайрли тун".

3
7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 5-қисм.
10.15 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
10.45 Болажонлар экрани. "Ҳайвон ўргатувчи".
12.00 "Дўстлик" видеоканали. "Дидар", "Немис шарҳи".
12.50-14.20 Кинонигоҳ. "Коинотдан келган меҳмон".
***
17.55 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
18.00 "Ёрилтош". Мультфильм.
18.25 "Меҳр нури".
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 6-қисм.
20.20 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21,05 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
21.35 "Даллас". Телесериал.
22.25 "Мисли гавҳар".
22.45 Кинонигоҳ. "Изсиз кетган".
00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

4TV
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Аэробика ҳамма учун".
9.20 "Болалар олами".
9.40 "Кино сайёраси".
9.55 "Инглиз тили Сиз учун".
10.20 "Дурдаршан".
10.40 "Тенгдошлар".
11.00 "СНН-шоу".
11.15 "Биргаликда куйлаймиз".
12.00-13.40 Кинематограф: "Манманлик гулханлари". Бадиий фильм.
***
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бинафша".
18.30 "Уйлаб топ"
19.10 Г.Хазанов, В.Невинный "Полициячилар ва ўғрилар" комедиясида.
***
21.00 "Эксклюзив".
21.20 "Дил изҳори".
22.00 "Кинопрофи".
22.20 "Бу ажиб дунё".
22.35 "Мюзик-холл".
22.55 Кинематограф: "Карен Маккой анойи эмас..." Бадиий фильм.
00.35 "Ахборот".
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЯКШАНБА, 6

Уз 1 ТВ
6.30 "Ассал

ҚИШНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Ҳикоя

Туни билан севалаб ёққан ёмғир тонгга яқин лайлак қорга айланди. Аввал деворларнинг усти, кейин эса бутун борлиқ оппоқ чойшабга ўралди. Негадир менинг уйқум келмас, туни билан кўча чироғининг ёруғида марвариддек товланаётган ёмғир томчиларининг қувлашмачоқ ўйнашини, кейин эса оппоқ капалакдек қор парчаларининг бирин-кетин ерга қўнишини томоша қилардим...

Бирдан хаёлимга тунни бедор ўтказишга ишдан кетишим сабаб бўлгандир, деган фикр келди. Ундай десам, мени ишдан ҳайдашмади, аксинча, ўзим, ўз ихтиёрим билан кетдим. Барибир Дилбар билан узоқ ишлай олмасдим. Ё у, ё мен кетишим аниқ эди...

Тўғриси, мен бу қизга қанча уринмай, тушунолмадим. Ҳали дунёнинг энди бир чеккасидан кириб келаётган бўлишига қарамай, ҳаммага ақл ўргатар, кайвонилик қилар, барчадан ўзини устун, деб биларди. Аммо ички дунёсининг зидди бўлган гўзаллигига тан бермай илож йўқ.

Ажабланадиган жойи шунда эдики, йиллаб изласанг-да, ҳусну жамолидан тарифга нуқсон топилмайдиган бу малаксиймо менга биринчи кунданоқ сира ёқмади. Бошда бунга ўзимнинг одамовилигим, мактабда ҳам, университетда ҳам фақат ўқишни ўйлаганим, илмий ишимни ўз муддатида ёқлашга тиришиб қизлар билан мулоқотда бўлмаганим сабаб, деб ўйлардим. Аммо унинг нафақат менга, кечагина иш бошлаган директор ўринбосарига, балки институт директори Малик Бобоевнинг ўзига ҳам юқоридан келиб муомала қилишини кўриб баттар ажабландим.

Амал-тақал қилиб ўрта мактабни битирган бу қиз ўзига шунчалик бино қўйган эдики, ҳатто илмий котибга ҳам томдан туриб гапирарди. Қизиғи, ҳеч ким унга танбеҳ бериш у ёқда турсин, аксинча, нима демасин, қулоқ қоқмай бажаришарди.

— Сиз директор ўринбосарисиз, кабинетингизда ўтириб ҳам буларни чақиришингиз мумкин. Ҳар бир ходимнинг олдига бориб танишиш шарт эмас, - дея ташланиб қолди бирдан менга ҳам.

Қизларнинг олдида ер ёрилмади-ю, кириб кетмадим. Улар ҳам институтни яқинда битириб келишган, аммо мен келгунча Дилбарнинг совунига бир-икки кир ювишган экан. Шунинг учун ҳам ичдан зил кетса-да, миқ этишмади.

Аммо менга кўринишидан шаддодгина Шаҳнозанинг ҳам, узун - узун киприклари гуноҳкорона пирпираб турадиган, худди эртаклардагидек гўзал Иродахоннинг ҳам кўзларига тик қаролмаганим жуда алам қилди. Қишлоқчасига бўралаб сўкким келди-ю, бироқ ўзимни тийдим. Лекин... бу ердан кетишга қарор қилдим.

Балки бунга ижод намуналарим билан танишиб чиққан раҳбаримизнинг «Азизим, сиз икки кеманинг бошини тутибсиз. Ҳазрат Низомий: «Икки кема бошин тутган ғарқ ўлур», деганлар. Ё ижодни, ё илмни танланг», дегани ҳам таъсир қилгандир.

Дунёда хаёл суришдан ҳам ма ароқлироқ иш бўлмаса керак. Мана, салкам бир соатлик йўлни қандай босиб ўтганимни ҳам сезмай қолибман. Ҳув, ана у етти қаватли бино — редакция. Мен кўпдан ишлашни орзу қиладиган газета шу бинонинг бешинчи қаватида жойлашган. Ҳар қадам қўйганимда беозоргина товуш чиқараётган юмшоқгина қорни томоша қилиб келарканман, кимнингдир ихраган товуши эшитилди. Ёнимга ўгирилиб қарасам, анча пастдан бошланадиган мармар зина устида бир қиз қорга беланиб ётарди. Қўлларидан ушлаб, уни турғизиб қўйдим. На у ва на мен бир оғиз сўз қотдик. Лекин қор учқунлари қўнган киприкларининг бетўхтов пирпирашидан унинг мендан миннатдор эканлиги билиниб турарди.

Олдинма-кетин бинога кирдик. Лифтга ҳам бирга чиқдик. Назаримда, бешинчи қаватга беш соат кўтарилгандек бўлдим. Қизнинг совуқдан қизариб кетган ёноқларига, баҳорий майсаларни эслатувчи қошларига, ёпинчиғи остидан чиқиб турган бир тутам сочига кўзим тушганда ажиб бир кайфият туйгандек бўлдим. Кўзларимни қаерга яширишни билмай, четга ўгирилдим. Аммо, девордаги ойна яна қизнинг гўзал юзларини менга рўпарў қилди. Қизиқ, менда ҳеч қачон бундай ҳолат юз бермаган эди. Бир бешинчи қаватга ҳечам етиб бормасам, бир лифт эшиги очилса-ю, тезроқ бу оташ алангасидан қутулсам, деган ўй миямда ғужғон ўйнарди.

Назаримда, у мен шу пайтгача кўрган қизларнинг энг чиройлиси эди. Бошқа оламдан аста-секин заминга қайтарканман, қулоқларимга бош муҳаррирнинг сўнгги сўзлари элас-элас эшитилди: «Энди Мухлисахон билан бирга ишлайсиз. У бизнинг фахримиз. Ўзи кичкинагина бўлса ҳам, катта ишларни дўндиришга бел боғлаган. Икки йил олдин биринчи тўпламини чиқарди. Ҳозир иккинчи китобини тайёрлаяпти. Айтмоқчи, унинг шеърларини ўқиган бўлсангиз керак. Ахир, сиз ҳам шоирсиз-ку!»

Мен Мухлисанинг шеърларини кўп ўқигандим. Ҳатто ота соғинчи, киндик қони томган муқаддас туфроқ соғинчи, беғубор муҳаббат ҳақидаги шеърларини ёддан биларди. Аммо ўзини ҳеч кўрмагандим. Шунданми ё унинг бетимсол гўзаллигиданми, каловланиб қолдим...

Мухлиса бош муҳаррир айтганидек ҳам кўп нарсаларга қодир экан. Жуссаси кичкинагина бу қиз бир зум тиним билмас, доим нимадир билан банд эди. Унинг билан ишлаш менга олам-олам завқ берарди. Биз гоҳ шеър ҳикмати, сўз сеҳри ҳақида соатлаб суҳбатлашар, гоҳ навбатдаги сон режасини тузардик. Баъзан қоровул безовта қилмагунча редакцияда қолиб кетардик. Кейин уни ётоқхонагача кузатиб қўярдим. Йўлда ҳам ижод оламининг ўзига хос сеҳри, ижодкор тақдири, китоблар дунёси ҳақида суҳбатимиз давом этарди. Ана шундай қизғин суҳбатлар билан бир йил дегани бир кундек ўтиб кетди.

Мухлисани ёқтириб қолганим шубҳасиз эди. Унинг менга нисбатан бефарқ эмаслигини ҳам билардим. Аммо буни қандай қилиб айтишни билмасдим, холос. Кузнинг охирги куни уни ётоқхонага кузатиб қайтарканман, осмонга маъюсгина нигоҳ ташладим. Кўк юзини қоплаган саноқсиз юлдузлар ҳам кўзимга маъюс кўринди. Эҳ, эртага гупиллаб қор ёғиб берса эди. Қорхат баҳона юрагимни очган бўлардим. Афсуски, бугун осмон тиниқ, қордан дом-дарак йўқ эди. Уйга ҳорғин бир кайфиятда етиб келдиму ечинишга ҳам ҳолим бўлмай, ўзимни тўшакка отдим.

Эрталаб деразадан ташқарига қараб, кўзларимга ишонмасдим. Бу йилги қишнинг биринчи куни ҳам мўъжиза юз берган эди. Борлиқ оппоқ рангда, бир қаричдан қалинроқ қор қоплаган заминни осмон билан бирлаштиришга аҳд қилгандек оппоқ қор парчалари кетма-кет учарди. Кечқурун овқатланмасданоқ ухлаб қолганим ҳам эсимдан чиқиб, ёзув столига ўтирдим. Мухлисанинг исмини қўшиб қорхат ёздим. Иложи борича сатрлар орасига унга бўлган муносабатимни яширишга уриндим.

Қорхат битиши билан редакцияга шошилдим. Мухлиса эса мендан олдинроқ етиб келган, ҳатто чой дамлашга ҳам улгурган экан. Биринчи қор билан қутлаб, қўлимга қайноқ чой тутқазди. Мен эса унга қорхатни бердим. Мухлиса жимгина шеърни ўқиди. Қорхат шартини ҳам унутиб, стол устидаги қоғозни олиб менга узатди. Бу мен ёзган қорхатга жавоб, тўғрироғи, унинг дил изҳори эди.

Мен беҳад бахтиёр эдим. Хурсандлигимдан уни бағримга босгим, шабнам ювган гулдек тиниқ юзларидан тўйиб-тўйиб бўса олгим келди. Аммо бир йилдан буён қўлидан ушлашга ҳам жазм қилмаган инсон даб-дурустдан бундай қилолмасдим. Нима қилишимни билмай турганимда, хонага Малоҳат кириб келди. Унинг келиши ҳар иккимизни ноқулай аҳволдан қутқаргандай бўлди.

Бу йилги қишнинг биринчи куни бизни бир-биримизга янада яқинлаштириб қўйди. Энди шеърий суҳбатлару газета ташвиши ёнига бўлғуси ҳаётимиз ҳақидаги режалар ҳам қўшилди. Мухлиса билан келишиб, янаги йил қишнинг биринчи куни тўй қилишга аҳд қилдик. Уйимиздагилар ҳам, барча таниш-билишлар ҳам бу қароримиздан ҳайратда қолишди. Фақатгина ҳамма нарсадан фалсафий ечим излайдиган Ҳасанбойгина «Улар тўғри қилишди. Баҳорда гуллаган, ёзда мева туккан, кузда ғарқ пишган ишқ мевасини қишда дастурхонга тортишади», деди.

Орадан бир йил ўтиб, биз интиқ кутган кун келди. Мухлисани билмадиму мени фақат ишқилиб қор ёғармикин, деган бир ўйгина қийнарди. Чунки, эртага қишнинг биринчи куни бўлса-да, ҳаво очиқ, осмон тўла юлдуз, худди эрта баҳорга ўхшарди. Интиқлик ҳоритган кўзларимни қачон уйқу элитган билмайман, аммо кўзларимни очганда юз берган мўъжизадан ўзимга келолмасдим. Кечга бориб, қор шунчалик қалинлашдики, бу мен кейинги йилларда кўрган энг қалин қор эди. Хурсандлигимдан осмонга сакрагим, тўйиб-тўйиб рақс тушгим келарди. Бироқ, афсус, одатларимиз бунга йўл қўймайди. Тўйда ҳамма еб-ичади, ўйнаб-кулади. Келин-куёв эса тўрда сипогина бўлиб ўтиришга мажбур. Нима бўлганда ҳам мен бахтиёр эдим. Бахтиёрлигимни билдириш учун стол остидан Мухлисанинг қўлларини дам-бадам беозоргина сиқиб қўярдим.

Ниҳоят, тўй тугаб, бизга рухсат беришди. Оёғим остидаги оппоқ қорни ғарч-ғурч босиб, қордек оқ келинлик либосидаги Мухлисани бағримга босганча хонамга кириб борарканман, дунёдаги энг бахтли инсон мен эдим. Шунчалик бахтли эдимки, ҳатто бундан ўзим ҳам қўрқиб кетардим.

Ҳамма меҳмонлар кетиб бўлгач, хонада фақат иккимиз қолдик. Аллақачон бир-икки фарзандли бўлган ўртоқларимнинг ярим ҳазил, ярим чин қилиб айтган гаплари қулоқларим остида бот-бот жарангласа-да, Мухлисага яқин боролмасдим. Негадир унинг кўзларига қарашдан уялардим. Ниҳоят, ўзимда журъат ҳис қилиб, унинг қордек оппоқ чойшабга тикилиб турган кўзларини ўзимга қаратдим. Э, воҳ, бу кўзлар ўша мен икки йил олдин лифтда кўрган кўзларга сира ўхшамасди. Қани ундаги мен ҳавас қиладиган ҳаё пардаси? Қани уяту андиша жо бўлган нигоҳлар?..

Мен ундаги бу ўзгаришлар сабабини сал кейинроқ билдим. Нега бундай бўлди? Ахир, мени сарқит едириб катта қилишмаганди-ку? Мухлисанинг кўзларига қараш қанчалик азоб бўлса, унинг ёнида қолиш ундан-да баттароқ азоб эди. Номуснинг кучидан қабристон томонга очиладиган деразани қандай очганиму қай ҳолатда чиқиб кетганимни билмайман. Эрталаб дарё билан қабристон орасидаги ялангликдан мени беҳуш ҳолатда топиб олишибди.

Ўша-ўша қишнинг биринчи куни мен учун азоб. Айниқса, унда қор ёғса. Покиза туйғуларимни ерпарчин қилган қизни эслатувчи қишнинг биринчи куни ҳам, ҳаммага шодлик келтирувчи оппоқ қорлар ҳам мен учун ададсиз азоб, чидаб бўлмайдиган қийноққа айланган эди.

Темир ҚУРБОН

САВОБ ИШНИНГ ЭРТА КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

Истиқлолимиз ёши улғайиб, куч қувватга тўлиб боргани сари Ватанимиз янада обод бўлиб, юртимиз гўзаллашмоқда. Нафақат юртимиз, балки одамларимиз Мустақиллик шукуҳидан ёшариб, ғайратга тўлиб бормоқда. Буни кексаю ёш — барча юртдошларимизнинг қалб эътирофида, дил изҳорида кўришимиз мумкин.

Самарқанд туманида истиқомат қилаётган Облоқул бобо Пўлатов ҳозир 76 ёшда. Кекса бўлишига қарамасдан отахон ўзи яшаб турган Улуғбек номли қишлоқ фуқаролар кенгашида туман маданият бўлими ҳамда тумандаги 8-ўрта мактаб жамоаси ёрдамида мўъжазгина музей ташкил этди. Мазкур музей 10 та тематик бўлимдан иборат бўлиб, 2000 га яқин экспонатга эга.

«Ватан - бу кишининг туғилиб ўсган юртигина эмас, балки кишининг виждони, дини, тили, бебаҳо анъаналари, буюк ўтмишидир» - , дейди Облоқул бобо.

Дарҳақиқат, музейдаги қадимий ўзбек каштачилигининг асрлар оша шуҳрат қозонган, кўзни қувонтирадиган палаклари, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари бўлган турли хил кўзалар, обдаста, самовар, мис баркашлар, нозик дид билан ясалган нақшинкор сандиқлар, бешик, эгар-жабдуқ каби нодир буюмлар бу ерга келган ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Облоқул бобо учун бу музейни ташкил қилиш осон бўлмади. Музейдаги ҳар бир экспонатни йиғиш учун бобо қишлоқ ёшлари билан биргаликда вилоятнинг барча туманлари, шаҳару қишлоқларини кезиб, ўзбек амалий санъати намуналарини тўплади.

Истиқлол шукуҳи билан бардам меҳнат қилаётган, савобли ишларга бош-қош бўлаётган ана шундай фидойи инсонлар бор экан, халқимизнинг бутун жаҳонни лол қолдирувчи нодир бойликлари ҳеч қачон йўқолмайди. Балки, келажак авлодларимизга буюк мерос бўлиб қолади.

Суратда: Улуғбек номли қишлоқ фуқаролар кенгашида ташкил этилган музей ташкилотчиси Облоқул бобо Пўлатов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

ЯНГИ ИЛМ МАСКАНИ

Навбаҳор туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги ўқувчилари ва ўқитувчилари замон талаблари асосида қурилган икки қаватли янги мактабга кўчиб ўтди. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва жисмонан чиниқиши учун барча шароит яратилган. Синфхоналар зарур ёқув анжомлари билан таъминланган. Қишки ва ёзги спорт заллари, ошхона, тиббиёт хонаси мавжуд. Янги билим маскани 844 ўқувчига мўлжалланган.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Врач беморни кўздан кечира туриб:

— Негадир кўринишингиз менга ёқмай турибди. Нима, кўп ўтирасизми?

- Ҳа, бўлиб туради, - деди бемор, — ўғирлик қилганим учун сўнги марта бир ярим йил ўтирганман.

* * *

—Мактабнинг нимаси сенга ёқмаяпти, ўғлим? — сўради ота.

—Мактаб-ку яхши-я, аммо синф хоналари думалоқ эмас экан-да.

— Нега энди синф хоналари думалоқ бўлиши керак экан?

— Чунки, думалоқ бўлганда ўқитувчимиз мени бурчакка турғазиб қўя олмасди-да.

* * *

— Хоним, ёшингиз нечада?-сўради кадрлар бўлими бошлиғи янги ишга кираётган аёлдан.

— Йигирма учдаман,- деди жилмайиб хоним.

— Қариндош-уруғларингиз борми?

— Ҳа, битта синглим бор. Фабрикада ишлайди, ёши йигирма тўққизда.

* * *

Саёҳатчи меҳмонхонага келиб, эшик ёнида турган бир кишидан сўради:

— Дўстим, билмайсизми, бу меҳмонхонада мириқиб ухлаб олса бўларми-кан?

— Бўлганда қандоқ! Мана роппа-роса бир соатдан бери эшикни тепаяпман, аммо биронта киши уйғониб эшикни очай демайди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши барча соғлом фикрли кишилар олдига муҳим вазифаларни қўйди. Соғлом авлодни тарбиялаш ана шу улкан вазифанинг ўзагини ташкил қилади.

Шу мақсадда куни кеча Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти белбоғли кураш бўйича республика биринчилигини ўтказишди. Мазкур беллашувда вилоятнинг ўн туманидан танланган жамоалар қатнашди. Юқори савияда ўтган мусобақада пскентликлар биринчи, паркентликлар иккинчи ва бўкаликлар учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда эса пскентлик полвонлар М.Эгамов (60 кг), Ш.Тошпўлатов (66 кг) Д.Сайфуддинов (81 кг), О.Файзуллаев (100 кг), паркентлик спортчилар У.Маҳмудов (73 кг), З.Қурбонхўжаев (90 кг) ўз вазн тоифалари бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

Оғир вазнли полвонлар ўртасида бўлган беллашувда Пскент туманидан келган А.Отабоев барча рақибларини доғда қолдириб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Мусобақа сўнггида ғолибларга эсдалик ҳамда қимматбаҳо совғалар улашилди. Бу спорт байрамининг кўнгилли ўтишида Пскент туманидаги маданият уйи ходимлари, ҳаваскор хонандалар ҳам муносиб улуш қўшишди.

«НАСАФ»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз футболида ўз ўрнини аста-секин топа бошлаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ўтган футбол мавсумида бир меъёрда ўйин кўрсата олмаган, мухлисларини анча ранжитган эди. Жамоада мураббий ва футболчилар ўртасида баъзи келишмовчиликлар келиб чиқиши натижасида бир нечта иқтидорли футболчилар мавсум ўртасида жамоани тарк этган ҳам эди. Шу ва шу каби муваффақиятсизликларга чек қўйиш мақсадида жамоага янги бош мураббий таклиф этилди. Бу йил «Насаф»ни «Темирйўлчи»нинг собиқ бош мураббийи Баҳром Ҳакимов бошқарадиган бўлди.

SPORT • SPORT • SPORT

ҒАЛАТИ ГРОССМЕЙСТЕР

Йигирманчи йилларда жаҳон чемпионлигига талабгорлик қилган зўр шахматчиларнинг бири даниялик гроссмейстер А.Нимцович бўлган. «Менинг системам» ва «Менинг системам практикада» каби жаҳон шахмат аҳлининг тахсинига сазовор бўлган китоблар муаллифи бир вақтлар ўша пайтдаги жаҳон чемпиони кубалик Хосе Рауль Капабланка билан матч ўйнаш учун расмий музокаралар олиб борган.

Мамажон МУҲИТДИНОВ

Лекин бу музокаларнинг бўлмаган бир савдо эканини бутун дунё биларди. Энг ажойиб шахмат ғояларининг тинмас ижодкори Арон Нимцович ҳаётда жуда ҳам ўзига хос киши бўлиб, амалий иш кўришда мутлақо ожиз эди. Ҳамкасблари очиқ кўнгил ҳамда қобилияти зўр гроссмейстерни севишар, афандилик қилганда кечиришар эди-ю, аммо пайти келганда уни калака қилишдан ҳам тойишмасди. Кўп вақт ҳазил қилишлари учун Нимцовичнинг ўзи калаванинг учини уларга топиб берарди.

Бутунлай шахматга берилиб кетиши орқасида паришонхотир бўлиб қолган Нимцович ҳаётда ғайритабиий қилиқларга одатланган одам эди. Турнир партиясини ўйнаётиб, бирдан столдан икки қадамча нарироққа борарди-да, томошабинларнинг кўзида бир неча ўн марталаб ўтириб турадиган жисмоний машқларни бажаришга тушиб кетарди. У ўйин пайтида вақти-вақти билан увишиқни ёзиб туришни ўзи учун фойдали деб ҳисоблар эди. Нимцович яшаётган меҳмонхоналарнинг хизматчилари уни диққат билан кузатиб юришарди...

Шунингдек, даниялик ўз хонасида совуқ сувга ҳўлланган сочиқ билан артинишни жуда яхши кўрарди. Лекин артингандан сўнг, ҳамма вақт жумракни беркитишни унутарди. Кунига зинапоядан уч марталаб сув оқиб тушарди.

Нимцович югославиялик Милан Видмар билан учрашганида, айниқса чигал ҳодисалар кўп содир бўларди... Очиқ кўнгил, шунинг билан бирга жуда айёр профессор Видмар кучли гроссмейстер ва жуда ҳазилкаш одам эди. У Нимцович билан бирга мусобақа ўйнаганда ҳар сафар албатта бирон-бир воқеа юз берарди. Бир куни Видмар навбатдаги турда Нимцович билан ўйнаётиб чўнтагидан катта трубкани ва тамаки халтачасини олади. Нимцович шу заҳоти мусобақа ҳакамми гроссмейстер Марощинг олдига чопди:

— Тутунга тоқатим йўқ.

Боодаб профессор трубка ва тамаки халтачасини қайтариб чўнтагига солиб қўйди.

Ўша турнирнинг иккинчи даврасида улар ўзаро яна учрашишди. Хаёли паришон Видмар олдинги «қилиғини» яна такрорлайди. Нимцович тағин Марощинг олдига чопади.

— У чекмаяпти-ку, ахир! - деб ҳайрон бўлади, ҳакам.

— Шундай-ку, лекин туришидан чекмоқчи у, - тушунтиради Нимцович.



Карлсбаддаги турнирда Видмар юриш қилиб, ўрнидан туради.

— Қаёққа кетяпсиз? - ҳайрат билан сўрайди Нимцович ундан.

— Шундай, шамоллаб, - қўлларини ёзади Видмар.

— Жойингизда ўтиринг.

— Ахир юриш устида сиз ҳозир бош қотиришингиз керак, томоша қилишга ҳаққим бор менинг.

— Йўқ, ўтиринг! - буйруқ берарди гроссмейстер. - Мен сизнинг афтбашарангизни кўриб ва шунга қараб, юришингиздан мақсадингиз нима эканлигини билиб туришим керак.

Нимцович бошқа бир куни ўйин пайтида буфетга бориб бўш пиёла олиб келди-да, чой қошиқ билан уни тақиллата бошлади.

— Нима қиляпсиз? -



сўради ундан ҳакам.

— Рақибим кофе ичяпти ва қандни эритяпти. Бу менга ўйнаш учун халақит бераяпти. Мен ҳам шунга яраша чора кўришим лозим-да, - деб жавоб берди у.

Кучли гроссмейстер Нимцович энг масъулиятли халқаро турнирларда кўпгина мукофотларни олди. Капабланка билан ўйнаш учун рақобат қилишга айтарли ҳаққи бор эди унинг. Бироқ пули-чи! Омилкор бўлмагандан кейин ўн беш минг долларни қаердан оларди? У «Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига номзод А.Нимцович», - деб ёзилган визит карточкасини олиб юрарди.

— Номзодлигингизни унутиб қўйишдан қўрқасизми? - сўрайди бир беодоброқ мухбир ундан.

— Йўқ, буни шахмат олами унутиб қўяди, деб қўрқаман.

Нимцович турнирда эришган йирик муваффақиятларининг биридан сўнг Капабланкани матчга чақириб, унга мактуб йўллаганда шахмат олами буни маънавий бир нарса деб билди. Йўқ, шахмат олами бу кучли гроссмейстернинг ҳуқуқларини тан олардию, лекин у жуда қийин бўлган маблағ масаласининг лоақал ўн фоизини ҳам ҳал эта олмаслигига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳам Нимцович ўз ҳуқуқларидан Алёхин фойдасига воз кечганлиги ҳақида йигирма олтинчи йилнинг охирида пайдо бўлган янги хабар ҳеч кимни ҳайратга солмади.

Иккаласида ҳам оқлар бошлаб 3 юришда ютади.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшма МҚ си Тошкент шаҳар Ободонлаштириш Бош бошқармасининг касаба уюшма қўмитаси раиси Хидиров Озод Умаровичга волидаи муҳтарамаси

ЗАЙНАБ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 13.096 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.30

Буюртма Г— 025. 1 2 3 4 5 6